

FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF CITIES NEGATIVELY (BASED ON ECO-CITIES)

Allaberganov X.F

Independent Researcher, TAQ

Abstract:

This thesis classifies the factors negatively affecting the development of eco-cities. Additionally, the main problem in the development of eco-cities is identified. Three underlying issues causing this problem are identified and systematized.

Keywords: eco-city, transport, environmental sustainability, urbanization, greening.

ШАҲАРЛАРНИ РИВОЖЛАНИШГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР (ЭКОШАҲАРАР МИСОЛИДА)

АЛЛАБЕРГАНОВ Х.Ф.,

ТАҚУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Тезисда экошаҳарларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таърифланган. Шунингдек, экошаҳарларни ривожланиши бўйиче асосий муаммо аниқланди. Мазкур муаммони юзага келтираётган 3 та тағ муаммолар аниқланди ва тизимлаштирилди.

Калит сўзлар: экошаҳар, транспорт, экологик барқарорлик, урбанизация, кўкаломзорлаштириш.

Ўзбекистонда экошаҳарларни лойиҳалаш ва қуриш амалиёти Давлат Раҳбарининг ташаббуси билан 2021 йилда Фарғона шаҳрида бошланган. Шу давргача республикада экошаҳарлар билан боғлиқ илмий изланиш ва тажрибалар олиб борилмаган.

Мамлакатимизда экошаҳарларни ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш жараёнида ва соҳанинг етуқ эксперт ва мутахассислари билан суҳбатлар ўтказилди.

Бунга асосан, республика бўйича шаҳарсозлик соҳасида экошаҳарларни лойиҳалаш бўйича мутахассислар сонининг жуда камлиги ва мутахассисларнинг хорижда малакасини ошириш учун етарли даражада маблағ ажратилмаганлини, одамларда экологик онгни етарли даражада эмаслиги ва шунга ўхшаш омиллар сабабли Ўзбекистонда экошаҳарларни ривожлантириш даражаси жуда пастлиги таъкидланди. Шунингдек, асосий муаммо сифатида экошаҳарларни барпо қилиш орқали экологик барқарорликни таъминлаш механизмларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида республикада экошаҳарларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи қуйидаги умумий омиллар гуруҳи шакллантирилди (1-расм).



1-расм. Экошаҳарларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳи.

Шунингдек, экошаҳарларни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган изланишлар ва хориж тажрибаларини ўрганиш натижасида муаллиф томонидан қуйидаги омиллар гуруҳи шакллантирилди ҳамда асосий муаммо аниқланди (1-жадвал).

Экошаҳарларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар

1-жадвал

	Муаммолар	Омиллар
Асосий муаммо	Экошаҳарларни барпо қилиш орқали экологик барқарорликни таъминлаш механизмларнинг мавжуд эмаслиги	
1-таг муаммо	Экологик барқарорликни таъминлашда экошаҳарлар ташкил этишнинг меъририй-ҳуқуқий асосларини мавжуд эмаслиги	<ul style="list-style-type: none"> - илмий ишларда экологик барқарорликни таъминлаш кесимида экошаҳарларнинг ўрганилиши; - экологик барқарорликни таъминлаш соҳасида мутахассис кадрлар таъминоти; - экологик барқарорликни таъминлашда экошаҳарларни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаларининг ўрганилиш даражаси.
2-таг муаммо	Ўзбекистонда урбанизация натижасида шаҳарларда атмосфера ҳавосининг бузилиши ва кўкаломзор майдонларнинг кисқариб бораётганлиги	<ul style="list-style-type: none"> - шаҳарлар бош режасининг тасдиқланмаганлиги; - қишлоқларда иш ўринларининг камлиги; - шаҳарларда таълим муассасаларининг жойлашганлиги ва иқтисодий ҳолатнинг яхшилиги; - шаҳарларда иш ўринларининг кўплиги; - шаҳарсозлик кодексига

		<p>кўкаломзорлаштиришнинг одам сонига муносиб равишда шакллантирилиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - шаҳардаги чиқиндиларни (<i>саноат чиқиндилари билан</i>) ташлаш жойлари санитар жиҳатдан тоза бўлиши ва қайта фойдаланишга ёрдам берувчи фойдали чиқиндиларни бошқариш тизимини йўқлиги; - иссиқлик станциялари ва йирик саноат объектларидан атмосферага чиқадиган зарарли газлар миқдорининг камайтириш бўйича хориж тажриблари етарлича ўрганилмаганлиги; - экологик тоза транспорт тизимидан фойдаланишнинг камлиги; - бетартиб қурилишлар сабаб шаҳарларда шамол ҳаракатига салбий таъсир кўрсатиши натижасида автомобиллардан атмосферага чиқадиган зарарли газлар миқдорининг бир жойга тўпланиши кузатилмоқда.
<p>3-таг муаммо</p>	<p>Шаҳарлар муҳандислик (электр ва канализация) тармоқларининг аномал</p>	<ul style="list-style-type: none"> - шаҳарлар бош режасининг тасдиқланмаганлиги учун бетартиб қурилишларнинг кўпайиб

	<p>совуқ, кескин сел келиши ва қор ёғиши билан боғлиқ вазиятларга бардош бераолмаётганлиги</p>	<p>бораётганлиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> - қурилишга рухсат беришда коррупцион омил; - маҳаллий ҳокимият ва тегишли идораларнинг куз-қиш мавсумига таъёргарлик даражаси; - маҳаллий ҳокимият ва тегишли идоралар ходимлари ўз вазифасига кирмайдиган ишлар билан шуғулланишлари (аризалар, мажбурий меҳнат, дала ишлари ва ҳ.к.); - шаҳар муҳандислик тармоқларини таъмирлаш ва янгисини барпо этиш бўйича ажратилган маблағларни талон-тарож қилинаётганлиги ва соҳага жамоатчилик назоратини тўлиқ йулга қўйилмаганлиги.
<p>4- таг муаммо</p>	<p>Шаҳарсозлик соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан (куёш ва шамол) фойдаланиш салмоғини камлиги.</p>	<ul style="list-style-type: none"> - шаҳарсозликда қайта тикланувчи энергия манбаларидан (куёш ва шамол) фойдаланиш бўйича лойиҳачи ва қурувчилар малака даражаси; - шаҳарсозликда қайта тикланувчи энергия манбаларидан (куёш ва шамол) фойдаланиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий таъминоти; - биноларнинг лойиҳа-смета

		<p>хужжатларини ишлаб чиқишда меъёрларда белгиланган биноларнинг энергетик паспорти ишлаб чиқиш даражаси;</p> <p>- хуудлар бош режаларини ишлаб чиқишда шамол ва қуёш ҳаракатига қараб лойиҳалаш амалиётининг йўқлиги.</p>
--	-----------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, экошаҳарларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни ўрганиш орқали, экологияга бўлган хавф-хатарларни олдини олиш белгиланади. Натижада техносферанинг мураккаб ривожланиши жараёнида, глобал иқлим ўзгаршлар руй бераётган бир вақтда шаҳарсозликнинг энг муҳим талаби бўлган инсон омили устиворлиги таъминланади, келажак шаҳарларида истиқомат қилувчи инсонлар саломатлиги кафолатланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.12.2021 йилдаги “Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва хуудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сон фармони;
2. ШНҚ 2.01.01-22. “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар”. ЎзРҚУЖКХВ. Тошкент, 2024.
3. Эргашев Т., Эргашев А. Экологическая безопасность среда жизни человека. Ташкент. Синог ENK, 2007. – 160 с;
4. Ферару Г.С. Экологический менеджмент. – Москва: Юпитер, 2006